

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шарустамов Аяттилло Одилевич -
ТошДТУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада халқ хўжалигининг энг йирик асосий тармоқларидан бири, миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси энг муҳим таркибий қисми саналган миллий транспорт тизимини ривожлантиришнинг замонавий ҳолати ва устувор йўналишлари тадқиқ этилади.

Таянч сўзлар: транспорт, тизим, коммуникация, транспорт хизматлари кўрсатиш, ташувлар, рақамлаштириш, интеграция жараёнлари, товар ҳаракати, транспорт логистикаси.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ
ТРАНСПОРТНОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Шарустамов Аяттилло Одилевич -
ТошГТУ самостоятельный соискатель

Аннотация. В статье исследуются современное состояние и приоритетные направления развития национальной транспортной системы, которая является одной из крупнейших базовых отраслей хозяйства, важнейшей составной частью производственной и социальной инфраструктуры национальной экономики.

Ключевые слова: транспорт, система, коммуникации, транспортное обслуживание, перевозки, цифровизация, интеграционные процессы, товародвижение, транспортная логистика.

MAIN DIRECTIONS OF EFFECTIVE DEVELOPMENT OF THE
TRANSPORTATION SYSTEM OF UZBEKISTAN

Sharustamov Ayattillo Odilovich -
TSTU independent researcher

Annotation. The article examines the current state and priority directions for the development of the national transport system, which is one of the largest basic sectors of the economy, the most important component of the production and social infrastructure of the national economy.

Key words: transport, system, communications, transport services, transportation, digitalization, integration processes, commodity movement, transport logistics.

Кириш. Ҳозирги кунда транспорт соҳаси миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисми, халқ хўжалигининг энг йирик асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Транспорт коммуникациялари мамлакатнинг барча ҳудудларини бирлаштиради ва унинг ҳудудий яхлитлиги, ягона иқтисодий маконнинг зарурий шартини саналади. Ушбу коммуникация тури республикани жаҳон ҳамжамияти билан боғлайди ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари ва жаҳон иқтисодий тизимига бирлашувини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон ва хорижий бозорларга маҳсулотларнинг эркин киришини таъминловчи транспорт-логистика марказлари (ТЛМ) ва комплексларидан иборат замонавий транспорт-логистика инфратузилмасининг яратилиши ва амал қилиш масалалари Ўзбекистон транспорт комплекси, аввало, темир йўл комплексининг замонавий ривожланиш босқичи учун муҳим масалаларга айланмоқда.

Илмий адабиётлар таҳлили. Транспорт инфратузилмасини самарали бошқариш, унинг мазмуни ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига

таъсирини ўрганган бир қатор олимлар транспорт соҳаси инфратузилмасини бошқариш бўйича турли хил фикрларни билдирганлар.

Поваров Г.В. ва Селезнёва А.В. ўз тадқиқотларида саноатнинг асосий тармоқларидан бири бўлмиш транспорт соҳаси ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни шакллантиришда ҳамда мамлакат яхлитлиги, иқтисодий мустақиллиги ва миллий ҳавфсизлиги кафолатини яратишда иштирок этишини таъкидлашган. Чунки, транспорт тармоқлари ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилади ва шу билан ишлаб чиқариш жараёни якунига етади[7].

Крегель Д.А. транспорт соҳаси мамлакат ҳудудида йўловчи ташишни таъминлаш ҳамда мамлакат ичида ва хорижда маданий алмашувни ривожлантириш каби ижтимоий масалалар ечимининг топилишида алоҳида таъсир кўрсатишини қайд этган. Транспорт саноатининг вазифалари, бошқа тармоқлар каби, жамиятнинг асосий турмуш шароити ва фаолиятини таъминлашни ўз ичига олади. Транспорт бу жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг энг муҳим механизми бўлиб, унинг

ёрдамида белгиланган мақсадларга эришилади [8].

Сураева М.О. ўз тадқиқотларида транспорт соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ва ишлаб чиқариш кучларини оптимал ҳудудий тақсимлаш учун шароитлар шакллантирган. Ушбу тадқиқотлари иқтисодиётнинг турли тармоқлари корхоналари учун маҳсулотлар ва хомашё манбаларини истеъмол қилиш ҳудудларини яқинлаштиришга олиб келган, натижасида иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, савдо, машинасозлик ва бошқалар каби тармоқларини ривожлантиришга эришган [9].

Эфимова Э.Г. фикрича транспорт соҳаси инфратузилмаси минтақанинг иқтисодий ривожланишида макро даражада ва объектлардан фойдаланишни аниқ белгиловчи алоҳида ташкилотларга нисбатан комплекс таъсир кўрсатувчи жараён акс этади. Транспорт саноат инфратузилмасининг етакчи элементларидан бири товарлар ва ресурсларнинг ҳаракатчанлигини таъминловчи ва шу билан товарлар, ресурслар ҳамда аҳолини транспорт воситаларида эркин ҳаракатланишини таъминлайди. Шу билан бирга минтақавий иқтисодий ривожланиш учун йўловчи ва юк ташиш хизматларига бўлган талабни ошириш асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблаган [10].

Щербанин Ю.А. транспорт соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ўрганишда бир неча жиҳатларга ажратган. *Биринчидан*, транспорт тизимининг ривожланиши мамлакатнинг турли минтақалари, ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлигини баҳолаш имконини мавжудлигини такидлаган. Бундан ташқари, нафақат ҳукм қилиш, балки иқтисодий фаолиятни ҳам режалаштириш имкони мавжуд. *Иккинчидан*, транспорт тизимининг ривожланиши мамлакатнинг фазовий ривожланиши, аҳолининг қаерда яшаши, иш жойлари, туристик объектлар, дўконлар жойлашганлиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини такидлаб ўтган ҳамда йўловчилар ва юкларни ташишни ташкил этиш бўйича тегишли чоралар кўрилган. Учинчидан, давлат инфратузилмага сармоя киритиш, жамоат транспортини ривожлантириш ва транспорт оқимларини бошқариш орқали транспорт тизимини ривожлантиришга олиб келишини такидлаб ўтган. [11].

Юқоридаги олимлар фикрларидан келиб чиқиб, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш эҳтиёжларини аниқлашни ўз ичига олувчи иқтисодий-технологик имкониятини баҳолаш муаммоларини кўриб чиқиш, транспорт соҳаси фаолиятини бошқаришдаги назарий жиҳатлар ва бошқарув самарадорлигини оширишда замонавий бошқарув усулларни қўллаш орқа-

ли инфратузилмани ривожлантириш имконияти мавжуд.

Таҳлил ва натижалар. Транспорт тизимининг республикада туган ўрни тўғрисида унинг мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондларидаги (19,5 %), ялпи ички маҳсулотдаги (13,5 %), иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялардаги (21-25 %) ва иш билан банд аҳоли сонидagi (7-8 %) салмоғининг катта эканлиги, шунингдек, энергетика ресурслари истеъмоли ва мамлакат иқтисодиётини тавсифлайдиган бошқа бир қатор муҳим кўрсаткичлардаги улуши ҳам далолат беради.

Транспорт мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Транспорт тизими иқтисодий ўсиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳолининг турмуш сифатини ошириш шартларини таъминлайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос географик хусусиятларини инобатга олиб, унинг транзит салоҳиятини амалга ошириш бўйича мамлакат рақобатбардошлигини ривожлантиришда транспорт асосий омиллардан бири ҳисобланади. Сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларидан эркин фойдалана олишлик ишлаб чиқариш, бизнес ва ижтимоий соҳа фаолияти ва ривожланишининг самарадорлигини белгилаб беради. Шу муносабат билан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспортнинг аҳамияти транспорт хизматлари кўрсатиш даражасининг бир қатор ҳажм, қиймат ва сифат хусусиятлари билан аниқланади.

Транспорт хизматлари кўрсатишнинг ҳажмга оид хусусиятлари республиканинг ички ва халқаро иқтисодий алоқаларини тўлалигича амалга оширишга, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида аҳоли барча қатламларининг ҳаракатланиш имкониятларига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Транспорт хизматларининг географик ва технологик жиҳатдан эркин фойдалана олишлик учун мавжудлиги иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ҳудудий ривожланиш имкониятларини белгилаб беради. Ҳар қандай маҳсулот ташишининг қиймат хусусиятлари (транспорт тарифи) бевосита маҳсулотнинг якуний нархида акс этади, уни ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади ҳамда рақобатбардошлиги ва сотиш ҳудудига таъсир кўрсатади. Йўловчи ташиш харажатлари аҳоли учун қатнов имкониятларини чеклайди, кўплаб ҳолатларда эса даромади юқори бўлмаган аҳолининг бир қисми учун ушбу имкониятларни умуман йўқ қилади. Ушбу чекловларни юмшатишга қаратилган йўловчи ташиш учун амалдаги нархларнинг пасайтирилиши нафақат катта ижтимоий, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эга.

ЮК ТАШИШ ВА АЙЛАНМАСИ

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Юк ташиш	млн. тонна	812,8	879,3	950,4	1078,0	763,1	827,5	858,7	930,0	1 000,4	1 070,5	1 132,5	1 146,2	1 243,0	1 319,8	1 378,8
<i>шу жумладан,</i>																
темир йўл	млн. тонна	50,0	58,0	62,8	65,6	56,9	59,2	61,5	63,7	65,7	67,2	67,6	67,9	68,4	70,1	70,4
автомобиль		689,8	745,2	811,2	959,3	652,5	708,4	732,7	801,3	868,9	943,3	1 002,8	1 013,1	1 102,2	1 177,7	1 245,6
қувур		73,0	76,1	76,4	53,0	53,7	59,9	64,5	65,0	65,8	60,0	62,2	65,1	72,4	72,0	62,8
ҳаво	минг тонна	6,6	6,7	6,0	15,9	29,5	30,7	24,0	22,0	23,0	24,6	26,5	26,4	13,1	10,4	5,1
Юк айланмаси	млрд. тонна/км	73,4	78,8	83,8	77,8	60,4	62,6	66,4	65,8	66,2	65,8	65,3	66,9	71,3	72,6	69,1
<i>шу жумладан,</i>																
темир йўл	млрд. тонна/км	19,3	21,6	23,4	24,2	22,3	22,5	22,7	22,9	22,9	22,9	22,9	22,9	22,9	23,4	24,0
автомобиль		16,0	18,1	21,0	23,2	9,1 ¹⁾	9,9 ¹⁾	10,5 ¹⁾	11,2 ¹⁾	11,9 ¹⁾	12,8 ¹⁾	13,3	13,6	14,6	15,9	16,1
қувур		38,0	39,0	39,3	30,3	28,9	30,1	33,0	31,5	31,2	30,0	28,9	30,2	33,6	33,2	28,9
ҳаво	млн тонна	77,1	76,7	84,0	102,9	168,0	162,5	121,9	116,3	125,1	131,1	132,2	156,9	123,5	119,0	219,1

ТРАНСПОРТ, ЛОГИСТИКА ВА КОММУНИКАЦИЯ

2-жадвал

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ВА АЙЛАНМАСИ

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Йўловчи ташиш	млн. киши	4 188,5	4 652,4	5 264,7	5 654,5	4 072,0	4 507,8	4 763,0	4 909,9	5 169,9	5 380,0	5 560,4	5 679,0	5 951,5	6 025,1	5 240,4
<i>шу жумладан,</i>																
темир йўл	млн. киши	12,1	11,5	13,0	14,1	14,5	14,9	15,9	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	22,1	22,9	6,2
автомобиль		4 043,6	4 507,8	5 126,8	5 532,8	3 962,6	4 410,9	4 663,9	4 815,8	5 079,0	5 293,2	5 480,8	5 591,3	5 852,8	5 915,2	5 192,9
шаҳар электр транспорти		131,9	131,7	123,4	106,1	93,0	79,9	80,7	74,3	69,5	64,5	57,0	64,4	74,0	83,8	40,4
ҳаво		1,0	1,4	1,5	1,5	1,9	2,1	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	2,6	3,2	0,9
Йўловчи айланмаси	млрд. йўловчи /км	49,8	56,9	64,8	70,3	83,8	92,4	100,2	106,9	113,2	120,1	126,0	130,0	135,3	140,1	116,7
<i>шу жумладан,</i>																
темир йўл	млрд. йўловчи /км	2,1	2,3	2,5	2,6	2,9	3,0	3,4	3,7	3,8	3,8	4,0	4,3	4,3	4,4	1,8
автомобиль		42,2	48,4	55,9	62,1	74,5	82,5	89,3	95,5	101,9	109,1	114,9	117,7	121,6	124,1	111,6
шаҳар электр транспорти		0,8	0,8	0,8	0,6	0,6	0,6	0,5	0,5	0,5	0,4	0,4	0,5	0,5	0,6	0,3
ҳаво		4,7	5,4	5,6	4,9	5,8	6,2	7,0	7,2	7,0	6,8	6,7	7,5	8,8	11,0	3,0

3-жадвал

Қатнов йўлларининг узунлиги (йил охирига; минг километр)

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Умумфойдаланадиган темир йўллар (фойдаланиладиган узунлиги)	минг км.	4,0	4,2	4,2	4,2	4,2	4,3	4,2	4,2	4,2	4,2	4,3	4,6	4,7	4,7	4,7
<i>жумладан:</i>																
Электрлаштирилган участкалар фойдаланиладиган узунлиги	минг км.	0,59	0,59	0,59	0,59	0,74	0,74	0,68	0,68	0,68	0,82	1,3	1,5	1,6	1,8	1,8
Умумфойдаланадиган автомобиль йўллари	минг км.	41,6	41,6	41,6	41,6	42,0	42,0	42,0	42,0	42,0	42,0	42,0	42,0	42,1	42,1	42,3
<i>жумладан</i>																
Халқаро аҳамиятга эга	минг км.	3,63	3,63	3,63	3,63	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,98	3,99
Магистрал кувурлар		13,1	13,4	13,7	13,7	14,3	14,3	14,3	14,3	14,3	14,2	14,1	13,9	13,9	13,9	13,7

Транспорт хизматлари кўрсатиш даражасининг сифат хусусиятлари транспорт тизими фаолиятининг тезлиги, вақт жадвалига риоя этиши, мунтазамлиги, умумий ва экологик хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон темир йўл, автомобиль, ҳаво йўли, қувур ва дарё транспорт турларини ўз ичига оловчи ривожланган транспорт тизимига эга. Республика ташувларида асосий ўринни автомобиль транспорти эгаллайди. Жами юк ва йўловчи ташувларининг мос равишда **90** ва **96 фоизидан** ортиғи автомобиль транспортига тўғри келади (1 ва 2-жадваллар).

Ўзбекистонда умумфойдаланадиган автомобиль йўлларининг узунлиги **42,3 минг км.** дан ортиқ. Қўплаб туманлар ва аҳоли пунктларида автотранспорт аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун ягона транспорт тури ҳисобланади. Бу айниқса, бошқа замонавий транспорт турларидан фойдаланиш имкони бўлмаган тоғли ҳудудларга тааллуқли (3-жадвал).

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий транспорт тизими иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитларида инновацион ва интеграцион жараёнлар асосида ривожланмоқда. Миллий иқтисодиётнинг ҳозирги жадал суръатларда ўсиши товар ҳаракати ҳажмининг ошишига ва мос равишда ҳам ички ҳам халқаро юк оқимларининг ўсишига олиб келмоқда. Сўнги ўн йилликда дунё транспорт йўллари узунлигининг **50 млн.км.** дан ортиқ даражада барқарорлашуви қайд этилмоқда. Ҳар йили дунё бўйлаб барча транспорт турлари билан **110 млрд. тоннадан** ортиқ юк ва **1 трлн.** дан ортиқ йўловчи ташилмоқда[12]. Жаҳон банки маълумотларига кўра, халқаро транспорт бозори бугунги кунда **2,2 трлн долл.** (дунё ЯИМининг **6,8 %**) пул миқдориди баҳоланмоқда[13]. Дунёда аксарият мамлакатларнинг Ялпи ички маҳсулотиди унинг улуши **4-9 %**, аҳоли бандлигида эса **3 -7 %**ни ташкил қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш мамлакат транспорт тизими билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда мамлакат ривожланишининг беш устувор йўналиши бўйича барқарор ўсишини таъминлаш бўйича қабул қилинган Стратегиясида иқтисодий ўсиш билан мутаносиб транспорт инфратузилмасини ривожлантириш кўзда тутилган. Транспорт тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хосликлари, мавжуд муаммолар ушбу соҳани давлат томондан тартибга солишнинг аниқ тизимини яратиш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мувозанатланган бўлишини талаб қилади.

Мамлакат транспорт тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолатини транспорт турлари ўртасида юк ва йўловчи ташувларини қайта тақсимлаш, республикада йўловчи ва юк тижорат автопарки улушининг барқарор ўсиши учун модернизация қилинган ва оптимал деб бўлмайди. Фикримизча, бугунги кунда республикамиз транспорт тизимининг самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд:

- инновацион технологиялардан фойдаланишда орқада қолганлик;

- транспортнинг техник ва технологик ривожланишида орқада қолганлик;

- транспорт харажатлари ҳажмининг катталиги;

- транспорт тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий база етарли даражада эмаслиги;

- мамлакат транспорт тизимининг бирлиги ва мувозанатининг зарур даражасини таъминлаш учун етарли ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар ва механизмларнинг йўқлиги;

- транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ривожланиш даражаси пастлиги.

Юқорида айтиб ўтилган омиллар республика транспорт тизимининг барқарор иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Транспорт соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш билан ўзаро боғлиқликда ва транспорт тизими ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича янада амалий ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади, бу масала Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида долзарб аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон транспорт тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида мураккаб ва кўп қиррали муаммолари ечимлари куйидагилар билан боғлиқ:

- мамлакат иқтисодиётининг ўсиши барқарорлигига транспорт омили таъсирини баҳолаш мезонларини асослаб бериш;

- мамлакатда транспорт соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ёндашувларининг йўналишлари ва устуворликларни белгилаш;

- соҳада илм ва таълим тизимини шакллантириш;

- транспорт хизматлари рақобатбардошлик индекслари ва иқтисодиётнинг транспорт сифимини ҳисоб-китоб қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш [14].

Ҳозирги кунда инновацион омил мамлакат транспорт тизими барқарор ривожланишининг ҳал қилувчи шартига айланмоқда. Муаммо шундаки, инвестициялар умумий ҳажмини ошириш зарурати билан бир қаторда транспорт тизимининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун транспорт тизимини ривожлантириш структурасининг ўзини, яъни молиявий қўйилмалар ва инвестициялар структурасини ўзгартириш зарур: инвестицияларнинг катта қисмини айнан инновацион фаолиятни молиялаштиришга сарфлаш талаб қилинади.

Транспорт тармоғида ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан такомиллаштириш транспорт хизматлари бозори шароитларида инновацион жараённинг асосини ташкил қиладиган янгиликлар киритиш шаклида амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, инновацион фаолият характери ва мазмуни, худди инвестицион фаолият каби, транспорт тизими корхоналарининг тармоқ хусусиятларига у қадар боғлиқ эмас. Улар асосан молия бозорининг ҳолати ва фаолият хусусиятларига боғлиқ бўлиб, моҳиятан бу ерда тармоқ сегментацияси йўқдир.

Фаолиятнинг бу икки тури ўртасидаги фарқ, фақат инновацион фаолиятнинг мақсадли йўналтирилганлиги ва инновацион характерли чора-тадбирлар мазмуни билан боғлиқ.

Республика транспорт тизимининг инновацион фаолияти куйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши керак:

- транспорт хизматлари ва ташувларнинг юқори сифатини таъминлаш;
- транспорт ташувлари ва хизматларини бажаришга кетувчи харажатларни камайтириш;
- йўловчилар ва юкларни ўз вақтида етказиб бериш;

- юкларни ташишда ҳам, ортиш ва тушириш ишларини бажаришда ҳам юкларнинг сақланиш даражаси юқори бўлишини таъминлаш;

- йўловчи ташишдаги хавфсизлик ва қулайликлар;

- самарали ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни қўллаш.

Транспорт ташувлари ва хизматларини бажаришнинг юқори самарадорлиги биринчи навбатда, корхонага оптимал нарх сиёсати олиб боришга имкон берадиган, ҳаракат таркибининг эксплуатация харажатлари паст бўлишини тақозо этади.

Шундай қилиб, транспорт тизими корхоналарининг инновацион фаолияти, энг аввало, ташиш жараёнини ташкил қилишни такомиллаштириш ва ҳаракат таркибининг эксплуатация харажатларини пасайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Бундай фаолият зарурати транспорт тизимидаги ҳар бир корхонанинг транспорт хизматлари бозорида муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва фойда олишга имкон берадиган рақобатли устунликлар яратишга интилиши билан изоҳланади. Шу тариқа, транспорт корхоналари рақобатбардошлиги инновацион фаолиятни ҳаракатга келтирувчи ўзга хос куч сифатида намоён бўлади. Бу бозорда тақдим этилган шунга ўхшаш хизматларга нисбатан унинг эҳтиёжларини янада самарали ва яхшироқ қондириш имконини беради. Бунда вақт омили муҳим аҳамият касб этади: инновациялар қўллаш ҳақидаги қарорнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги ёки кечиктирилиши салбий натижаларга ва ҳатто йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли 07.02.2017й. қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» Фармони // Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5647 сонли 01.02.2019й. қабул қилинган «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони // Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3422 сонли 02.12.2017й. қабул қилинган «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишининг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори // Lex.uz.
4. Хеггай Ю.А. Экономика автотранспортного предприятия. Учебное пособие. Красноярск, Сиб.федер.унив-т, 2011. С.288.
5. Бычков В.П. Экономика автотранспортного предприятия: учебник. - М: ИНФРА-М, 2006. С.235.
6. Шарустамов А.О. Развитие транспортного комплекса Республики Узбекистан. // "Biznes - Эксперт", № 9-10 от 2020г., Ташкент, с.114-116.
7. Поваров Г.В., Селзнёва А.В., - "Россия иқтисодийида транспортнинг ўрни".
8. Крегель Д.А. - "Иқтисодийнинг инновацион ривожланишида транспорт саноатининг ўрни" (Москва давлат минтақавий университети ахборотномаси. Серия: Иқтисодий. 2018. Но 1. Б. 6-13).
9. Сураева М.О., "Темир йўл транспортининг инновацион ривожланишини бошқаришнинг янги парадигмаси" (Самара давлат иқтисодий университетининг хабарномаси. 2011 йил. 11-сон (85). С. 105-109.).
10. Эфимова Э. Г., "Минтақанинг иқтисодий ривожланишида транспорт-нинг роли: халқаро аспект" (Санкт-Петербург давлат университетининг хабарномаси. Сер 5. 2009. Нашр. 1.
11. Шчербанин Ю.А., "Транспорт ва иқтисодий ўсиш: ўзаро боғлиқлик ва таъсир".
12. В.Н.Филина. Основные тренды развития мирового транспорта и место в них России. Проблемы прогнозирования. 2018, №3. С.85.
13. <https://data.worldbank.org/indicator/IS.AIR.GOOD.MT.K1>.
14. Ярашова В.К. Макроэкономические аспекты формирования и развития транспортной системы Узбекистана. Автореферат дисс. д.э.н. (DSc), Ташкент 2021.